

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOYIY HARAKATINING GAZETASI

2002 yil 13 APREL, shanba № 46 (14537)

«УМИД НИХОЛЛАРИ» — 2002

Мусобақа бошланишига ўн бир кун қолди



Бурхон РИЗОКУЛОВ олган суратлар

Юртимиз ёшлари яна бир шодиёна, яна бир катта спорт байрами арафасида турибди. Хабарингиз бор, шу йил 24 апрель куни Фарғона шаҳрида республика ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» — 2002 спорт мусобақалари бошланади. Шу боис бугун жойларда қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Ўйлаймизки, ушбу мусобақа ҳам илгари бўлиб ўтган «Универсиада» ва «Баркамол авлод» спорт мусобақалари каби қизиқарли баҳсларга бой бўлади ҳамда Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ирода Тўлаганова, Абдулла Тангриевлардек юртимиз ифтихорига айланадиган спортчиларни «кашф» этади.

ХАРАКАТ ФАОЛИЯТИДАН

Косон туман Кенгаши томонидан ҳуқуқбузарликни олдини олиш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мақсадида туман Ички ишлар ва Халқ таълими бўлимлари билан ҳамкорликда тумандаги Мирзо Улуғбек номидаги лицей—интернати ҳамда Эшмурод Эшқувватов номидаги умумтаълим мактабида ҳуқуқшунослар иштирокида минтақавий семинар ўтказилди. Унда иштирок этган Харакат фаоллари ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликни олдини олиш борасидаги ишлар самарали бўлиши учун етакчилар ҳар битта ўқувчи ҳақида маълумотга эга бўлиши зарурлигини таъкидладилар.

А. ЗУБАЙДУЛЛАЕВ




БАРДАВОМ ҲАМКОРЛИК

«Ўзэкспомаркази» да «ХХР фан ва техника кунлари» кўргазмасининг очилишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Ундан кўзланган асосий мақсад — кейинги йилларда Хитойда ўтказилган ислохотлардан сўнг фан ва техника соҳасидаги эришилган ютуқларни тарғиб қилишдан иборат.

Хитой Халқ Республикаси фан ва техника вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамкорлигида мамлакатимизда биринчи бор ўтказилаётган мазкур кўргазма давлатлар ўртасидаги фан ва техника алоқаларининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Кўргазмада Пекин шаҳ-

ри, Хэбэй, Хэнань, Шаньдун, Сичуань провинциялари ва СУАРдаги илмий-тад-



қиқот институтлари, олий ўқув юртлари, инновацион-технология муассасалари, йирик компания ва корхоналар ўзларининг авиация, космонавтика, биотехнология, информатика, энерге-

тика, автоматик бошқарув, океаншунослик соҳаларидаги янги илғор изланишлари, шунингдек, нефть маҳсулотларини топиш ва уларни қайта ишлаш, гидроэнергетика, геологик қидирув, қишлоқ машина-созлиги, энгил саноат, электротехник ишлаб чиқариш, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик соҳасидаги замонавий лойиҳаларини намойиш этишади. Кўргазманинг очилиш маросимида ХХР фан ва техника вазирлиги ўринбосари жаноб У. Чжунцзе бошчилигидаги олимлар ва ишбилармонлардан иборат делегациясининг иштирок этиши кутилмоқда.

Воҳид БОЙМУРОДОВ

«КАМОЛОТ»: «СИЗ ТАРИХНИ БИЛАСИЗМИ?»

Ҳар бир миллатнинг инсоният тараққиётидаги ўз тарихий ўрнини англаши — шахснинг миллий ўзлигини англаши. Демак, тарих — бу юк тарбиячи. Онг-шуури камол топаётган ёшлар эса бу хазинадан тўла баҳраманд бўлиши шарт ва зарур. Шу боис ҳам «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълими вазирликлари, ЎзРФА Тарих институти ҳамкорлигида мамлакатимиз ёшларининг ҳар томонлама билими, зукко қилиб тарбиялаш мақсадида республикамиздаги барча умумтаълим мактабларида ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига қарашли ўқув юртларида «Сиз тарихни биласизми» кўрик-танлови босқичма-босқич ўтказилиб келинмоқда. Утган йил танловда 700 мингга яқин ўқувчилар иштирок этган бўлса, бу йил 950 мингга

яқин зукко йитиг-қизлар иштирок этишиб, ўзларининг билим ва маҳоратларини тўла намойиш этишяпти. Кўриниб турибдики, кўрик-танлов йилдан-йилга оммавийлашиб, иштирокчиларнинг Ватанимиз тарихига, аجدодларимизнинг бой, маънавий, маданий, тарихий меросларини ўрганишга бўлган иштиқоқлари ортиб бораётганини кўрсатаётти.

Кун кеча «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши мажлислар залда танловнинг республика финал босқичини ўтказиш бўйича ташкилий кўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Халқ таълими вазирлигининг мактаблар бўйича бош назоратчиси Исроил Назаров, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги масъул ходими Зокир Каримов, Харакатнинг мактабгача ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Акбар Набиев ва оммавий ахборот воситала-

ри ходимлари иштирок этишди. Кун тартибидаги масалалар бўйича дастлаб, Харакатнинг Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Қаҳрамон Қуронбоев шундай деди:

— Бу йил ўтказилиши мўлжалланган «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танлови ҳар йилдан фарқ қилиши зарур. Утмишимиз, айниқса аجدодларимиз меросига чуқурроқ ёндопишни ҳар бир жамоа вақтлари ўзларига аниқ мақсад, вазифа қилиб белгилашлари дорим бўлади.

Йиғилиш якунига кўра танловда учта шарт бўйича турли вилоятлардан 12 та голиб жамоалар ўзаро баҳслашиладиган бўлди. Танловнинг финал босқичи эса шу йилнинг иккинчи-учинчи май кунлари пойтахтимизнинг Ўзбекистон Миллий академик драма театрида ўтказилиши мўлжалланяпти.

Зиёда АШУРОВА

Бу  **сонда:**

456-бетларда  **DASTURLARI**

2-бетда **МУАММО ЕЧИМИ — ЕЛКАДОШЛИКДА**

7-бетда **Жаҳонгир ХОЛМИРЗАЕВ** **ХУШ ҚОЛ...**

3-бетда **БОШҚАРУВДА — ЁШЛАР**

8-бетда **СИЗ УЧУН ЭШИК** **Наби ЖАЛОЛИДДИН**

БОБОМИЗГА БАҒИШЛАНДИ

ЎзРФА Темурийлар тарихи Давлат музейида Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 666 йиллиги кенг нишонланди. «Амир Темур абадияти» мавзуида маънавий-маърифий анжуман ўтказилди.

Музейга ташриф бу юрган меҳмонлар Амир Темур хиёбонидаги бобомиз ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар. Сўнгра музей ҳовлисида таниқли ва ёш санъаткорлар ижросида Ватанимиз мадҳ этувчи

дилрабо куй-қўшиқлар янгради. Мактаб ўқувчилари ва боғча тарбияланувчилари ўз истеъдодларини намойиш этдилар.

Анжуман қатнашчиларига турли мавзуларда ташкил қилинган кўргазмалар намойиш этилди. Темуршунос олимлар томонидан Амир Темур ва темурийлар даври тарихи таҳлил этилган бир қатор маърузалар тингланди.

Хусния МАВЛОНОВА

МУАММО ЕЧИМИ — ЕЛКАДОШЛИКДА

— Салкам йигирма йилдан бери Орол денгизи, умуман сув муаммолари тўғрисида холис ният билан ҳам, нохолис ният билан ҳам кўп ёзилди, нуфузли анжуманларда маърузалар ўқилди, турган гапки, бундан буён ҳам кўп ёзилади. Хўш, амалда фойдали бир иш қилиндими? Бугунги кунда Орол инқирози билан боғлиқ маънавий-сиёсий аҳвол қандай?

— Гапнинг очиги, Орол бўйи оқибатлари сувдан исрофгарчилик билан фойдаланишлар туфайли келиб чиқди, десам хато бўлмайди. Тўғри, минтақа мамлакатларида муаммони ҳал этиш лозимлиги тўғрисида кўп гаплар бўлди. Лекин айбни ўтмишдан кидиришга уринишлар, зарур амалий ҳаракатдан қочишлар натижасида барча ҳатти-ҳаракатлар очикдан-очик гапбозликка айланиб қолди, амалий иш даражасига кўтарилмади.

Ҳаттоки, Оролни кутқариш халқаро жамғармаси идорасининг сув бойликлари оқилона фойдаланиш борасидаги ҳаракатлари етарли эмаслигига эътибор қаратишга уринилган. 1998 йил 30 сентябрдаги “Орол ҳавзасидаги сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида”ги қарори ҳам диққатни муаммога жалб этишдан нари ўтмади. Таассуфки, Орол инқирози чуқурлашувини тўхтатиб туриши мумкин бўлган маъмурий чора-тадбирлар ҳам фақат ниятлигича қолиб кетди. Бугунги кунда Орол бўйи шундай аҳволга келдики, энди гап Оролга сув этишмаслиги тўғрисида эмас, инқироз ҳудудида яшаётган миллионлаб инсонларнинг тирикчилиги учун зарур бўлган сувнинг танқислиги ҳақида борадиган бўлиб қолди. Бу ерда одамлар сув танқислигидан изтироб чекмоқдалар, нафақат сугориш учун, ҳатто ичиш учун ҳам сув йўқлигидан қийналмоқдалар. Орол бўйида вазият борган сари ёмонлашмоқда, инқироз ўз таъсирини ўтказётган ҳудудлар эса тобора кенгайиб бормоқда.


Шундай бир пайтда айрим эколог сиёсатдонлар, ҳатто ўз вақтида муаммони кўтариб чиқиб, обрў ортирган айрим мутахассислар ҳам сўнги пайтларда инқироз хавфини йўққа чиқаришга уринмоқдалар. Эндиликда улардан: “Орол учун курашининг кераги йўқ, у барибир йўқликка маҳкум”, “Иқлимга Оролнинг таъсири йўқ, шунинг учун у қуриса ҳам зарари

Оролни кутқариш халқаро жамғармаси бошқаруви аъзоси, Оролни кутқариш халқаро жамғармаси агентлигининг раҳбари Рим Гиниятуллин билан “Туркистон-пресс” мухбири Орол денгизи ҳавзасидаги сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича минтақавий ҳамкорлик тўғрисида суҳбатлашди

тегмайди”, “Орол ўтмишда ҳам бир неча бор қуриб, бир неча бор тўлган, шунинг учун унинг қуришига табиий тадрижий жараён деб қараш керак”, “Денгизнинг қуриган қисмига бевосита дахлдор бўлмаган мамлакатга инқироз таъсир кўрсатмайди, шунинг учун муаммони ҳал этишда унинг бевосита иштироки мақсадга мувофиқ эмас”, “Сувни Оролга ҳайдашнинг нима кераги бор, у ерда бекордан-бекорга буғланиб кетади, ундан кўра, сувни фойда чиқадиган жойга буриш керак” қабилдаги ланж луқмаларни эшитиш мумкин.

Гап Оролнинг қолиш-қолмаслигида эмас, гап онгимизга, турмушимизга: “Бордию бугун Оролни “йўқотиш” мумкин бўлса, нега энди эртага Иссиқкўлни, Олатовни, Искандаркўлни, Чимённи, Зарафшонни, Ферузани “йўқотиш” мумкин бўлмасин?”, деган тажовузкор фалсафанинг ин қуриб олишида.

Минтақамиз, ўлкамиз, Ватанимиз, табиатимиз ва ниҳоят, ҳаётимиз муҳитимиз, ризқ-рўзимиз гўёки ҳалокатга маҳкум этилган Амударё, Сирдарё, Мурғоб, Тажан, Зарафшон ва шу каби бошқа обиҳаёт манбалари чамбарчас боғлиқ, бордию бу дарёлар йўқолса, уларга боғлиқ бўлиб турган атроф-муҳит ҳам йўқолади. Дарёларнинг нафақат юқори ўрта оқимларида, балки этаклари ва қуйилиш жойларида ҳам одамлар яшаётганини эсдан чиқариш керак эмас. Бир қарашда бу гап жўн эслатмага ўхшайди, лекин гап шундаки, айниқса, дарёнинг тепа қисмида яшовчилар сувга инсоният учун, буткул тирик жон учун обиҳаёт воситаси, тириклик асоси сифатида эмас, балки коммуникация воситаси, транспорт воситаси, товар ёки ундан ҳам ёмони, бизнес қуроли, сиёсат қуроли сифатида, бошқаларга таъсир ўтказиш, бошқаларни кўрқитиш воситаси сифатида қарамоқдалар. Орол бўйи аҳолиси эса гўё улар томонидан “гаровга олинганлар” бўлиб



Оролни кутқариш халқаро фонди GEF Агентлиги B Компоненти Ўзбекистон миллий ишчи гуруҳи

қолмоқдалар. Мен буни бежиз айтаётганим йўқ.

Ахборотлардан маълумки, деҳқончилик маҳсулотларнинг ялпи ҳосили 80-йилларга нисбатан кескин камайиб кетди. Бу шундан

далолатки, бордию минтақада чиндан ҳам сувдан оқилона фойдаланиш чоралари кўрилганида, ҳатто ишлаб чиқарилган маҳсулот сонига ўтган йилгидек кўп сув сарфланган тақдирда ҳам ҳар қалай сувнинг бир қисми ортиб қолиши керак эди, аммо негадир бундай бўлмади, бўлмапти ҳам.

БМТ ва унинг тузилмалари Орол инқирозига минтақадаги ягона муаммо сифатида деярли эътибор бермай қўйди. Ҳозирги пайтда бу жаҳон ташкилоти Орол муаммоларини ечишда номигагина иштирок этмоқда.

Марказий Осиё мамлакатларида БМТ ўз миссиясининг Орол инқирозига тааллуқли фаолиятини оламшумул муаммо сифатида деярли мувофиқлаштирмаётир, БМТнинг инқироз билан боғлиқ муаммоларни ечиш учун барча иштирокчиларнинг, Марказий Осиё мамлакатлари, донорлар ва халқаро ташкилотларнинг кучларини бирлаштиришга йўналтирилган таъсири сезилмаётир.

— **Давлатлараро Мувофиқлаштирувчи Сув Комиссиясининг (ДМСК) тузилиши минтақада сувдан оқилона фойдаланиш борасида қандай имкониятлар яратилди?**

— ДМСКнинг ташкил топиши, аввало, барча мамлакатларнинг нияти бир эканлигини кўрсатди, муҳими, минтақа мамлакатларининг бугуни ва эртасини таъминловчи стратегияни намойиш этди. Орол денгизи ҳавзасидаги барча томонларнинг ўзаро ҳурматга асосланган ҳамкорлиги ва бир-бирларига нисбатан ўзаро тушуниш билан муносабатда бўлишини вужудга келтирди. Бу ижобий ютуқ ноёб ва бетимсол ютуқ сифатида барча халқаро ҳужжатларда қайд этилди. 1992 йилнинг 18 февралдаги шартнома гарчанд барча муаммоларнинг ечими бўлмаса-да, лекин у яхши ҳамкорликка

эришув сари қўйилган муайян илк қадам бўлди.

— **Минтақадаги ҳар бир мамлакат Орол муаммосини ечишда иштирок этишини эълон қилди. Демак, ҳар**

бир мамлакат Орол ва Орол бўйига ёрдам бериш бўйича ўз миллий стратегиясини ишлаб чиққан бўлиши керак.

— Тўғри, шундай бўлиши керак эди. Лекин, афсуски, ҳавзадаги бирорта мамлакатда Орол бўйига ва денгизга ёрдам берадиган аниқ режа йўқ. Шундай экан, Орол денгизи ва Орол бўйига нисбатан уларда бирор бир амалий мажбурият ҳам, масъулият ҳам йўқ. Ҳукуматларнинг “стратегияларида” Орол бўйига ёрдам беришга, Орол инқирози чуқурлашувини тўхтатишга йўналтирилган тадбирлар кўзда тутилмаган. Ҳатто сувдан исрофгарчилик билан фойдаланиш сабабли кетаётган харажатларни камайтиришга қаратилган бевосита маъмурий чоралар ҳам кўрилмаган.

Минтақадаги барча давлатлар тан олишлари керак: ҳар йили дренаж-зовурларга 20 кубкилометр оқова сувлар оқизиб юборилади ва бу сувнинг катта қисми Орол денгизига етиб бормайди.

Минтақа мамлакатлари оғизда сувдан оқилона фойдаланмоқдамиз, десалар-да, амалда сугориш шаҳобчаларига олинаётган сувнинг камайётганлиги бунинг аксини исботлайди.

Сувдан оқилона фойдаланиш учун, аввало, амалда шаҳобчалар бошида дарёдан сув олишни камайтириш лозим. Шундагина дарёда сув қолади ва бу сув Орол бўйи учун насиба — наҳот суви ҳисобланади. Бунга эришиш учун миробларга, сувни истеъфода этувчиларга ва маҳаллий ҳокимиятларга сув сарфини оқилона қисқартириш борасида эмас, балки сувдан фойдаланиш самардорлигини ошириш борасида босим ўтказилса маъқулроқ бўлармиди.

Минтақа бўйича 1990 йилдан буён асосан сугориладиган ерлардан олинган уч асосий (пахта, галла, шולי) деҳқончилик маҳсулотларининг ялпи ҳосили 3 миллион тоннага қисқарди, “қиймати” эса 2 миллиард АҚШ долларига камайди. Сув сарфи эса аввалгидан камаймаган ҳолда давом этмоқда. Дарёдаги бор сув хўжасизларча сарфланмоқда.

Бирдамлик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик бўлса, муаммо ҳал бўлади, деб ўйлайман. Ҳамма гап иноқликда, елкадошликда.

«Туркистон-пресс»



ЖАНУБИЙ АМЕРИКА

Венесуэлада давлат тўнтариши содир бўлди. Бир неча кун давомида мамлакат касба уюшмаси томонидан умуммиллий иш ташлаш уюштирилди. Дастлаб, тинч ўтаётган намойиш охирида қонли тўқнашувга айланди. Натижада 12 киши ҳалок бўлди, юзлаб намойишчилар оғир жароҳат олдилар. Бундан фойдаланган ҳарбийлар президенти Уго Чавесни ўз лавозимидан четлаштирдилар ва бошқарувни ўз қўлларига олдилар. 40



нафар юқори лавозимдаги офицерлардан ташкил топган бу янги ҳукумат собиқ президенти инсон ҳуқуқларини поймол этганликда айбашляпти.

Уч кун давом этган иш ташлаш намойиши мамлакат иқтисодиётини издан чиқарди. Банклар, биржалар ёпилган ва четга нефть экспорт қилиш тўхтатилган.

ГРУЗИЯ

Кеча Грузия пойтахти — Тбилисида кучли ер силкиниши содир бўлди. Зилзила марказида ер силкиниши 6 баллгача етган. Жабрланганлар ҳақида маълумотлар йўқ. Шаҳар аҳолиси туни билан ўз уйларига киришга кўриқиб, кўчада тонг оттиришди.

ИСРОИЛ

Кеча Исроилга АҚШ давлат котиби Колин ПАУ-ЭЛ ташриф буюрди. У аввал Исроил, кейин Фаластин раҳбарлари билан музокара олиб боради. Мақсади эса Яқин Шарқда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишдир.

Ҳозирча Исроил билан Фаластин ўртасидаги зиддиятлар тўхтагани йўқ. Охириги соатларда Исроил армияси Фаластин қочоқлари лагери бўлмиш Эйн Бейтга, Бир-Зет ва Дахарье қишлоқларига бостириб киришди. Ва комендантлик соатини ўрнатилди. Бир неча фаластинлик талабалар қўлга олинган. Исроил армияси ҳозирча Рамалла, Женин, Наблус ва Вифлеем шаҳарларини ўз тасарруфида ушлаб туришибди.

СПОРТ — ЖАСОРАТ, МАТОНАТ, ИРОДА, ҚАТЪИЯТ

ЎҒРИЛАР УРИБ КЕТИШДИ

Сўнги пайтларда машҳур спортчилар тез-тез жиноятчилар қурбонига айланишмоқда. Ўтган йили олимпия чемпиони, хоккейчи Виктор Якушев номаълум безорилар томонидан саваланган бўлса, қишда фигурали учуш устаси бўлган Кира Иванова ўз хонадошида пичоқлаб кетилганди. Яқингинада эса 1970-80 йиллардаги Москва-нинг “Динамо” жамоаси машҳур хоккейчиси Александр Мальцевнинг уйи “шилиб” кетилган.

Маълум бўлишича, собиқ спортчи бу пайтда турмуш ўртоғи билан дала-ҳовлисида бўлишган. Ўғрилар қимматбаҳо буюмлардан ташқари, афсонавий хоккейчининг барча мукофотларини, шу жумладан жаҳон, Европа чемпионатлари олтин медалларини ҳам олиб кетишган.

Мен ўғриларнинг қурбони бўламан, деб ўйламаган эдим. Ўғрилар топилишига эса ишончим йўқ. Афтидан, бунга кўникишга тўғри келади. Мен фақат ўғирланган медалларга ачинаман, — дейди у.

ИЖОДҚОР СПОРТЧИЛАР

Бразилиядаги энг йирик телекомпаниялардан бири “футбол қироли” Пеле ва унинг юртдошлари — машҳур футболчилар Рональдо ва Ривалдо, теннис “юлдузи” Густаво Куэртен ва баскетболчи Оскар Шмидтларни актёр сифатида ўзининг машҳур новеллаларидан бирида иштирок этишга кўндирди. Бу саналганлардан Пелегина илгари ҳам фильмда суратга тушган. “Барча даврлар ва халқлар”нинг машҳур футболчиси унда ўзи ҳақидаги сахналарда рол ўйнаган.

Воҳид БОЙМУРОДОВ тайёрлади

Ko'chat ekib, bog' yarating
ИБРАТЛИ
ТАШАББУС

Юртимизда кўчат экиб, бог' яратиш, хибобу гулзорлар ташкил этиш мақсадида ободонлаштириш ойлиги давом этмокда.

Айни кунларда Собир Рахимов туманидаги Шифокорлар, Профессорлар шаҳарчаларида ҳамда Файзулла Хўжаев мавзеларида кенг миқёсда ободончилик ишлари олиб борилмокда. Хусусан, шу ҳудудда жойлашган Мурод Ҳамроев номли 29-ўрта мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари ҳам ободончилик ойлигида атроф-муҳитни озода асраш, кўкаламзорлаштириш, кўчат экиб, бог' яратишга муносиб ҳисса қўшишяпти.

Куни кеча мактабнинг 8 "Г" синф ўқувчилари ибратли ташаббус билан чиқишди. Улар мактаб ҳудудидан ер олиб, бог' ташкил этишмокчи. Шу мақсадда ҳозир яхшилаб юмшатишган ерга мевали ва манзарали кўчатлар экишяпти. Ўқувчилар мактабни битиргунча боғни ҳосилга тўла киритишга эришиш учун ёзги таътил кунларида ҳам ниҳолларни навбатма-навбат парвариш-лаб туришади.

Ушбу синф ўқувчиларининг ташаббусига бошқа синф ўқувчилари ҳам қўшилишди. "Тез орада мактабимизни бог' ва гулзорга айлантираемиз", дейишмокда ўқувчилар.

Феруза РИХСИЕВА,
Собир Рахимов туманидаги 29-мактабнинг 9 "Г" синф ўқувчиси

УЧАР БЎЛСАМ ҚЎШ ҚАНОТИМ, ҚЎНАРГА ҚЎШ ПАТИМ БОР

Куш қаноти билан учиб, кет пати билан қўнар эмиш. Бу ҳар кимнинг сурунганда суяб, қоқилганда қўллайдиган; сўйса сўйгулик, суянса суянгулик кишилари бўлсин, дегани. Яхши кунларда ҳам, ёрти кунларда ҳам бир ўзи ёлғиз қолмасин, дегани.

ЕТТИ СИФАТ:

- Эрдан Эр пайдо бўлур —*
Ҳакамлик даъво қилур.
- Шердан Шер пайдо бўлур —*
Уктамлик даъво қилур.
- Зурдан Зур пайдо бўлур —*
Бекамлик даъво қилур.
- Сордан Сор пайдо бўлур —*
Қусамлик даъво қилур.
- Нордан Нор пайдо бўлур —*
Хотамлик даъво қилур.
- Хурдан Хур пайдо бўлур —*
Кўркамлик даъво қилур.
- Нурдан Нур пайдо бўлур —*
Тўрамлик даъво қилур.

Ҳап Ўзбекистон Халқ шоири Ҳабиб Саъдулла, адабиётшунос олим Умрзоқ Улжабоев тўғрисида бормокда. Она табиатнинг ажаб ҳикматлари бор. Ажаб сир-асрорлари бор. Иккала ижодкоримиз ҳам бир ҳафта ичида таваллуд топмишлар. Ҳабиб Саъдулла машрик томонда, Наманганда. Бобораҳим Машраб ҳазратлари юртида. Умрзоқ Улжабоев мағриб томонда, Нуротада. Донг қозонган оқин Эргаш Жуманбулбул ўгли маконида. Мен эса нақ ўрталикда. Бахмал туманининг Алдошмон қишлоғида. Сароймулкхонимнинг ажабдан ажаб оромгоҳи жойлашган БОЗОРХОНИМ манзилида. Гап шундаки, Бахмал тумани — масофа жиҳатдан Наманган билан Нуротанинг ўртасида. Гуё тарозунинг икки палласи. Бахмал эса — шайини. Посангининг ҳожати йўқ. Учар бўлсам қўш қанотим, Қўнарға қўш патим бор, деганда ана шу ҳикматни назарда тутмокда эдим.

Тўнғич иним — Ҳабиб Саъдулланнинг ҳали-ҳамон давом этаётган тўй-тантаналарида қатнашиб бизга ҳам насиб этмиш. Наманган вилоятда Ҳабиб Саъдулла кунлари ўтказилибди. Ярашади. Арзийди. Пойтахтдан, вилоятлардан келган кутловчиларнинг, қувонувчиларнинг саноғига етиб бўлса кошки. Олмосхоним, Нодира бону, Хосият бегим, Олимжон Холдор, Охунжон Ҳаким, Турсунбой Адашбоев, Тошпўлат Аҳмад... Э-ҳ-а-а! Қай бирларини айтмай! Адабиётшунос олимларимиздан Озод Шарофиддин, ёзувчиларимиздан Саид Абдулла Ориф, қўшни мамлакатлардан келган иззатли меҳмонлар...

Вилоят аҳли хизматда. Машҳур машшоқлар, атоқли ҳофизлар — Камолитдин Раҳимовлар, раққосалар, бадийий сўз усталари хизматда. Бу — биргина Ҳабиб Саъдуллага эмас, узоқ-яқиндан келган

меҳмонларга эмас, адабиётимизга, шу ёруғ кунларни кўролмайдиган бузрукларимизнинг руҳи покларига кўрсатилаётган иззат эди. Эҳтиром эди. Аслида ҳам шундай. Ҳавас қилса арзийди. Урганса арзийди. Кузатувимга қараганда вилоятдан келган ижодкорлар бу тўй, бу тантаналардан андоза олиб кетдилар. Тўйболани табриклаш — қутлаш кезида ҳамма гаплар айтилди. Биргина икки қутб назардан сал четда қолди. Бирини — шоирнинг онаси — Маккаи Мукаррамалари, Мадинаи Мунаввалари. Иккинчиси — оилалари (келин пошломизини, шоирнинг маликалари Роҳилобегимни кўзда тутмокдан).

Ҳали мен юқорида Етти сифатни санаб ўтдим. Уша Сифатларнинг, суратларнинг, сийратларнинг давоми. Алп онадан, деган гап бор. Бу — ҳар қандай онадан ҳам Алп зоти туғилавермайди, дегани. Бу ҳар қандай онадан туғилган бола Ҳабиб Саъдулла бўлавермайди, дегани. Жинс ба жинс, кабутар ба кабутар, деган гап — гап. Кимнинг кимлиги барибир бир куни билинади.

Қозоқияда пойфазал аёғингни жингиртоб қилиб қисиб турғонидан сўнг дунёнинг кенглигини, ҳей... деган нақл бор. Бу — олам ободлиги оиладан бошланади, дегани. Остонаси губорли, оиласидан майда-чуйда гаплар ўрмалаб маҳаллагузарга, кўча-кўйга чиққан эр йигит элнинг назарига туша олмайди, дегани. Ҳамиша боши ҳам, кўксидан алам бўлади, дегани. Айтиб қўйибдилар-ку: аёл — оиланинг чироғи, деб. Чироғи губорли ёнган йигитнинг кўнгли ёришар эканми! Иши ўнгидан келар эканми! Уғил-қизлари шаъни-шавкатига доғ тушириб турган йигитнинг дарди-ҳасрати ичида бўлмайдиган бўлар эканми! Уғил-қизларнинг қандай тарбия топиб, қандай камолга етиши асосан онага боғлиқ. Халқимиз айтганидай, эр киши — дала одами.

Телерадио кўрсатув ва эшиттиришларида, газета-журнал саҳифаларида, табиат инжиқликлари қарамай деҳқонларимиз бу йил ишнинг кўзини билиб мардонанвор меҳнат қилдилар, деган жумла қулоқларимизга кўп чалиниб, кўзларимизга кўп тушади. Бу гап — ўша Мичурин деган "домла"нинг, биз табиатдан инъом эҳсон кутиб ўтирмаймиз, деган сўкмасининг лўкмаси. Қизик, табиат инжиқ эканми? Ё кудратингдан! Табиат кудратли эмасми! Керак бўлса табиат бир сонияда ерни осмонга айлантириб, осмонни ерга қапиштириб ташламайдими! Биз ҳам ана шу

табиатнинг бир зарраси эмасми? Инжиқ деб ижодкорларни айтса бўлади. Бу ҳақда кўпдан кўп гаплар айтилган. Инсоф билан айтганда ижодкорга, айниқса, шоир зотига битган аёлнинг бахтидан гапирайми ё тахтидан гапирайми! Шоир зоти билан бир ёстиққа бош қўйишнинг ўзи - қаҳрамонлик. Энди бу ёғини айтмасам ҳам бўлар. Биргина менга битган хотун ё кетиб қутилади, ё нетиб... Унта болани тарбия қилдинг нима-ю, битта шойирдинг жўлига кўз тутиб ўтирддинг нима, деган эди бир оқиннинг аёли. Шунга ўхшаб...

Мен бу гапларни Ҳабиб Саъдулла билан Умрзоқ Улжабоевларнинг ҳам босган изларини ўпгулик Онажонлари ҳақида, ҳам остоналарига бош ургулик оилалари (келин пошломлар)га қарата айтмокданам. Кошки ҳаммаларимизнинг оналаримиз билан оилаларимиз шундай бўлса. Бу жиҳатдан ва ҳар жиҳатдан ҳар иккала Тўйболанинг пешоналари беш қарич! Ҳа, айтгандай бир шоирнинг она ҳақидаги шу байти менга ёққандан-ёқади:

Бешиқдан бошланур дунёнинг иши,
Бола парвариши — олам ташвиши.
Балким бўлмас эди Сиз бўлмаганда
Офтоб атрофида ер айланиши...
Яхши хотинларни бирда хурга ўхшатсалар,
бирда Нурга менгазайдилар:

Дастлаб тонг очиганда кўргандим сени,
Сўнг Тангри Тоғинда кўргандим сени,
Дарё қирғоғинда кўргандим сени,
Хурлар ёноғинда кўргандим сени,
Шу кўргунча кўриб ўтсам не армон.

Қушлар қанотинда кўргандим сени,
Малак ҳолатинда кўргандим сени,
Созчи баётинда кўргандим сени,
Марям суратинда кўргандим сени,
Шу кўргунча кўриб ўтсам не армон.

Шу жиҳатдан ҳар иккала Тўйболамиз ҳам худо ёрлақан ижодкорлардан. Сир эмас, шоирларга нисбатан олимларнинг тоши сал оғир келади. Олим адашса, олам қоқилади, деб бекорга айтилмаган. Эндиги тўй навбати Умрзоқ Улжабоевга. Сирдарё Давлат университетига. Сирдарёликларга. Сирдарё вилояти — вилоятларнинг энг кенжаси. "Кенжа ботир"и. Боғлари болли Кенжа. Боғлари булбулли Кенжа. Кўралари қўйли Кенжа. Тўйга айтиш менинг чекимга тушган. Меҳмонларни қўлларини кўксига қўйиб қутиб олиш эса Сирдарё аҳлига, Гулистон Давлат университети жамоасига юклатилган. Илгарилари Гулистон шаҳрига меҳмон келгудай бўлса елкамизни сал қисиб турар эдик. Меҳмон кутгани на меҳмонхонамиз бор эди. На жиловхонамиз. Шаҳаримизнинг ўз номига яраша шаҳар бўлганига қарий олти йил бўлаяпти. Эндиги кунда водийликлар билан беллашгудай жўнимиз бор.

Тўра СУЛАЙМОН,
Ўзбекистон Халқ шоири

2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ
КАДРЛАШ ЙИЛИ

ЭЪЗОЗЛИ
КЎНГИЛ
ЮКСАЛАР...

Хукуматимиз аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратаётгани жамият ҳаётининг барқарорлашувида муҳим рол ўйнаяпти.

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида ҳам ижтимоий муҳофаза йўналиши бўйича тадбирлар изчиллик билан олиб борилаётир.

— Вазирлар Маҳкамасининг "2000-2005 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳозирги фаолиятимизда асосий дастуруламал вазифасини ўтамокда, — дейди туман ижтимоий таъминот бўлими мудири Сапар Шермагов. — Хусусан, туманимизда кексалик гаштини сураётган фуқароларимиз қаторида 89 нафар ёлғиз яшовчи отахон-онахонларимиз бор. Ун тўрт ходимимиз уларга бириктирилган бўлиб, кунора аҳволдан хабар олиб туришадди. Муҳими, ходимларимиз кексаларимизнинг моддий, маънавий аҳволини яхшилашга сидқидилдан ҳаракат қилишмокда.

Ўрта Чирчиқ туманида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик. Маълумки, республикамизда уч миллион нафардан зиёд қариялар истиқомат қилишадди. Бинобарин, бу йўналишдаги ишларнинг янада самарали, кенг кўламли бўлиши жойларда, хусусан, туманларда намунали хизматнинг йўлга қўйилишига ҳар томонлама боғлиқ.

Дилмурод ҚОСИМОВ

25-МАЙ САЙХУНОБОДДА ЁШЛАР КУНИ

— Ёшлигимда Тошкентда ўқишни орзу қилардим. Яхши ният ярим давлат, деганларидек, кейинчалик Тошкент иқтисодиёт университетини сиртдан тутатдим. Иш фаолиятимни Сирдарёдаги пахта қабул қилиш пунктида оддий ишчиликдан бошлаганман, — дейди Сайхунобод тумани ҳокими Раҳматилла НОРМУРОДОВ.

Унинг туман ёшлари билан ишлаш йўлида кўрсатган ибратли ташаббуси бизнинг сизга ҳавола қилаётган қисқача суҳбатимизга замиң яратди.

— **Ёшларга бу даражада эътиборнинг боиси нима?**

— Чунки ёшлар бизнинг келажакимиз, уларга қанчалик эътибор қаратсак, шунчалик роҳатини кўраемиз. Шу боис аввалло ёшлар билан ишлашни йўлга қўйдик. Улар маданий ҳордиқ чиқаришлари учун туманимиз марказида, ҳашар йўли билан катта концерт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди. 25 май — Сайхунободда ёшлар куни сафарига белги-ланган. Уша куни "Қамолот" ёшидаги барча

ёшлар Сайхунобод маданият ва истироҳат боғида йиғилишадди. Мазкур тадбиримиз ота-оналар томонидан ҳам

БОШҚАРУВДА — ЁШЛАР

яхши қабул қилинди. Бундан ташқари, туманда "Сайхун" футбол жамоаси ташкил этилган. Улар республикамизнинг қишлоқ ва шаҳарларида ўтказилган мусобақаларда қатнашмокда. Тумандошимиз — шашка бўйича Ўзбекистон чемпиони Алишер Ортиқов бир неча давлатларда бўлиб ўтган мусобақаларда

қатнашиб қайтди. Яқинда туманда Чавандозлар федерацияси ташкил этилди. Унинг очилиши муносабати билан кўпқари берилди. Унда 150 дан ортиқ чавандозлар қатнашди.

— **Туманда қўшма корхоналар ташкил этилганми?**

— "Бирлашган" жамоа хўжалигида Американинг "ЭМСПЭКШН" шўба корхонаси билан ҳам-



қар бир хўжалиқда "Мадад" гуруҳлари ташкил этилиб, ёшлар мавсумий иш билан таъминланмокда. Шу йилнинг ўзида туманда 172 та кичик корхона ҳамда фермер хўжалиги очилди, буларнинг аксариятини ёшлар бошқараяпти.

— **Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишларда ҳам туман вилоятда пешқадамлардан бири**

саналар экан?

— Утган йили туманимиз галла етиштириш ва давлатга сотиш режасини бажариб, режадан ортиқ 6500 тонна буғдойни деҳқонларга тарқатдик. Пахтачилик соҳасида ҳам кўпгина ишлар белгиланган. Бу йил давлатга 68,5 минг тонна пахта топшириш ниятимиз бор.

"Қарияларни кадрлаш йили" муносабати билан ҳам туманда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди.

Эркин САЙДОВ,
«Turkiston» мухбири

ДУШАНБА, 15 АПРЕЛЬ

ДУШАНБА, 15

«Узбекистон» телеканалида мундариблар диктатга! Профилактика мундариблар билан душанба, 15 апрел куни «Узбекистон-1» телеканалида курсатувлари соат 15.00 дан бошлаб курсатилди.

15.00 «Олтин тож». Телевизион уйин.
15.30 ТВ клип.
15.40 «Ошин». Телевизион.
16.10 «Иш биланга минг танга». Телетанлов.
17.00 ТВ анонс.
17.05 «Талабалик йилларим».
17.25 Теннис буйича Фьючерс Халқаро турнири.
17.40 ТВ маркет.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Куяч учун уй». Мультфильм.
18.25 «Мулк».
18.45 «Бахтли воқеа». Телелоторей.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эрталари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Кўшимиз сизга армуғон».
21.35 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».

22.05 «Спoрт» дастури:
14.40 «Миллионлар уйини».
22.35 «Спoрт» спорт, спорт».
22.50 «Ахборот» дайжест».
23.10, 23.15 Ватан тимсоллари.
«ЕШАЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ
Профилактика мундариблар билан душанба 15 апрел куни «Ешлар» телеканалида курсатувлари соат 14.55 да бошланади.

14.55 Курсатувлар дастури.
15.00 «Янги авлод» студияси: Ким энцил-у? Ким чақон?, Болалар учун концерт.
15.30 «Давр» хафта ичида.
16.00 Олтин мерос.
16.05 Спорт хафтаюмаси.
16.20 Ешлар овози.
16.30 «Талтапаллик авлиё». Телевизион бадий фильм.
17.05 «Янги авлод» студияси: «Сехри ёғду». Болалар кино-фото фестивали.

17.30 «Самовий саргузаштлар». Сериал, 20-қисм.
17.55 ТВ-анонс.
18.05 Касбида Наврў.
18.25 Адолат сарҳади.
18.40 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Узбек муомтоз шеърятидан.
19.50 «Илдиз ва япроқ».
20.10 Ешлар овози.
20.30 Мухаббат қўшиқлари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.55 «Эсмеральда». Телевизион.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Мухаббат қахваси» Телевизион.

23.05 «Ешлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида-23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.55-1.00 Хайрли тун!
«ТОШКАР» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.15 Курсатувлар тартиби.
17.20 Болажонлар экранни. «Чип-чипло».
18.05 Мусикии мехмонхона.
18.25, 20.00, 21.25, 22.15 «Пой-тахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Жан Кристофф». 1-қисм.
19.35, 21.10, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Авто-News».
20.25 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.45 «Сиз соғинган навалар».
22.40 Кинонигоҳ. «Балогатта етмаганлар».
00.30-00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛАҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛИ
16.00 Курсатувлар тартиби.
16.05 Вести.
16.25 СҒИ тақдим этади: «Пока-хонтас». Мультсериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот курсатуви.
17.25 М. Евдокимов ҳузурда мекмонда.
18.00 «Мени кутти».
19.00 «Рус рулеткаси».
20.00 «Время».
20.35 «Зардор куч-3». Сериал.

21.40 «Калб қанотлари». Сериал.
22.15 «ТВ-да Немис тўлиғи».
22.35 Киноматограф. «Эшикки очинг, полиция!» Бадий фильм.
00.15 «Ахборот» (рус тилида)
00.45 «Тунингиз ошуда бўлсин!»

30-КАНАЛ
16.55 га қадар профилактика.
17.00 Дастуринг очилиши.
17.05 «30-канал»да ҳужжатли кино. «Одам ва денгиз».
17.45, 20.35 - «Телехамкор».
18.05 «Петербург сирлари». Телевизион.
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Дебютант қиз». Комедия.
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.20 «Ошиқона». Мусикии дастур.
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Детективлар». Триллер.
23.15 «Тез ердан». Телевизион.
24.00 Ярим тунда спорт.

ОҒТ
14.00 Новости (с субтитрами).
14.15 Страна чудес. Чарльз Бронсон и Кристофер Рив в приключенческом фильме «Морской волк».
16.00 Большая стирка.
17.00 Вечерние новости (с суб-

титрами)
17.25 «С легким паром!» В гостях у ведущей Евдокимова
18.00 Жди меня
19.00 «Русская рулетка»
20.00 Время
20.35 «Убойная сила-3: Год глухаря»
21.40 Независимое расследование
22.30 Ночное «Время»
22.50 «На футболе» с Виктором Гусевым
23.20 Ночная смена

РТР
8.50 «Хронограф»
9.05 ВЕСТИ НЕДЕЛИ
10.00 «Что хочет женщина». Ток-шоу с Кларой Новиковой и Еленой Яковлевой
10.30 «Годзилла». Мультсериал (США)
10.45 «Афиша»
11.00 ВЕСТИ
11.20 ВЕСТИ-СПОРТ
11.25 Мелодрама «Возвращение в Эдем». Телевизион (Австралия-США)
12.25 «Дикий ангел». Телевизион (Аргентина)
13.20 «FM и ребята». Молодежный сериал
14.00 ВЕСТИ
14.20 «Дорожный патруль»
14.30 «Афиша»
14.40 «Экспертиза РТР». Дайджест
14.50 Наталья Гундарева, Анатолий Васильев, Евгений Стеблов и Игорь Верник в сериале «ЛЮБОВЬ.RU»

15.50 «Комиссар Рекс». Телевизион (Австрия-Германия)
16.50 «Спокойной ночи, малыши».
17.00 ВЕСТИ
17.35 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА
17.55 ПРЕМЬЕРА. Галина Польских, Ольга Ариктольц, Вадим Андреев и Ирина Сенотова в телесериале «Трое против всех»
18.55 ВЕЧЕРНИЙ СЕАНС. Александр Домогаров и Владимир Ильин в детективе «Марш Турецкого». Фильм 6-й. «Лекарство для покойника». Часть 1-я
20.00 ВЕСТИ-ПОДРОБНОСТИ
20.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА
20.30 «Дежурный по стране». Михаил Жванецкий
21.20 ПОСЛЕДНИЙ СЕАНС. Остроумный фильм «Виновен, как предписано» (США). 2000г

ИТВ
5.00 «СЕГОДНЯ»
5.05 УТРО НА НТВ
5.30 «СЕГОДНЯ»
5.35 УТРО НА НТВ
6.00 «СЕГОДНЯ»
6.05 УТРО НА НТВ
6.30 «СЕГОДНЯ»
6.35 УТРО НА НТВ
7.00 «СЕГОДНЯ»
7.10 УТРО НА НТВ
7.30 «СЕГОДНЯ»
7.35 УТРО НА НТВ
7.50 АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ. Сериал
9.00 «СЕГОДНЯ»
9.25 «НАМЕДНИ» с Леонидом Парфеновым
10.40 КУКЛЫ
11.00 «СЕГОДНЯ»
11.20 Наше кино А.Пугачева в фильме «ПРИЩЛА И ГОВОРИЮ»
13.05 «СЕГОДНЯ»
13.20 «ПРИНЦИП «ДОМИНО» Ток-шоу
14.40 КРИМИНАЛ
15.00 «СЕГОДНЯ»
15.30 Сериал «НЕИЗВЕСТНАЯ ПЛАНЕТА»: Возвращение к папуасам, часть 1-я
16.35 «Шоу Елены Степаненко»
17.35 КРИМИНАЛ
18.00 «СЕГОДНЯ»
18.35 Детектив «ТАЙНЫ СЛЕДСТВИЯ», 5 серия
19.40 А.Домогаров и Е.Сидихин в сериале «БАНДИТСКИЙ ПЕТЕРБУРГ», 5 серия
21.00 «СЕГОДНЯ» с Петром Марченко
21.30 ГЕРОЙ ДНЯ
22.05 «СКОРАЯ ПОМОЩЬ» (США) Сериал
23.05 ГОРДОН
23.55 «СЕГОДНЯ» с Петром Марченко

ТНТ
7.00 Мультсериал «Кэнди-Кэнди», 10-я серия.
7.30 Сериал «АЛЬПИЙСКАЯ АКАДЕМИЯ». 24-я серия, заключительная.
8.00 Сериал «САН-ТРОПЕ». 22-я серия.
8.40 Ваше здоровье.
8.50 «Глобальные новости». Астрологический прогноз Павла Глобы.
9.00 Фильм «АФЕРИСТ» (Великобритания, 1998).
11.20 Из жизни женщины.
11.50 Телемагазин.
11.55 «Сегоднячко» за неделю. Дайджест.
12.50 Магазин на диване.
13.00 Хит-парад на ТНТ.
13.20 ТВ-клуб.
13.40 Магазин на диване.
14.30 Мультсериал «Шехерезада». 44-я серия.
15.00 Мультсериал «Кэнди-Кэнди». 10-я серия.
15.30 Документальный сериал «Дикая Америка».
16.00 Сериал «ГОНКИ НА ВЫЖИВАНИЕ». 14-я серия.
17.00 Сериал «САН-ТРОПЕ». 22-я серия.
18.00 «Скрытой камерой».
18.30 Из жизни женщины.
19.00 Мультсериал «Черепашки-

ниндия». 52-я серия.
19.25 Сериал «ТАЙНЫ ЧЕТЫРЕХ ПРЕСТУПЛЕНИЙ». «ТАЙНЫ ОДНОГО ДВОРА». 1-я серия.
20.30 Сегоднячко.
21.25 «Глобальные новости». Астрологический прогноз Павла Глобы.
21.30 Комедия «РАЗ НА РАЗ НЕ ПРИХОДИТСЯ» (1987). Режиссер Ара Габриелян. В ролях: Армен Джигарханян, Леонид Куравлев, Борислав Брондуков, Любовь Полищук.
23.40 Музыка на ТНТ.
23.55 «Глобальные новости». Астрологический прогноз Павла Глобы. 0.10 Мелодрама «ИНТУИЦИЯ» (США, 1989). 1-я серия. Режиссер Генри Сафран. В ролях: Хитер Томас, Эндрю Кларк, Джеймс Хили, Джозеф Боттомс, Имоджен Аннесли, Ровена Уоллес.

ТВЦ
7.00 Информационно-развлекательный канал «Настроение».
10.00 Смотрите на канале.
10.05 «ОДНАЖДЫ У НАС ВЫРАСТУТ КРЫЛЬЯ». Телевизион (Мексика).
11.00 «Постскриптум» с Алексеем Пыковым.
12.00 События. Время московское.
12.15 Телемагазин.
12.30 «РАЗВЯЗКА ПЕТЕРБУРГСКИХ ТАИН». Телевизион.
13.35 Телеканал «Дата».
14.30 Деловая Москва.
15.00 События. Время московское.
15.15 «ИНСПЕКТОР КЕСТЕР». Детективный сериал (Германия).
16.30 Двойной портрет.
16.55 Путь к себе.
17.00 Регионы: прямая речь.
17.30 «Пята и Красная Шапочка». Мультфильм.
17.45 Московские немцы.
18.15 Материк.
19.00 События. Время московское.

19.15 Мога non-stop.
20.00 «БЕЗ ПРАВА НА ЛЮБОВЬ». Телевизион (Мексика).
20.50 Пять минут деловой Москвы.
21.05 На экране - детектив. «МИЛЛИОНЫ ФЕРФАКСА».
23.00 События. Время московское.
24.45 Времечко.
24.15 «ОПЕРАЦИЯ «ВОЗМЕЗДИЕ». Телевизион (США).
1.10 25-й час. События. Время московское.
1.30 Петровка, 38.
1.50 Телебукмер.
2.05 Большая музыка.

ТВ-3
8.00 «Победоносный голос верующего». Религиозная передача.
8.30 X/ф «ПОВЕЛИТЕЛЬ ВРЕМЕНИ». США, 1996.
10.30 X/ф «БЕРМУДСКИЙ ТРЕУГОЛЬНИК». США, 2001.
12.30 X/ф «КАРЕН МАККОУ - ЭТО СЕРЬЕЗНО». США, 1993.
14.30 X/ф «ПОБЕДИТЕЛИ И ГРЕШНИКИ». Гонконг, 1983.
16.30 Студия «Модерн».
17.00 X/ф «ПРЕСТУПИТЬ ЧЕРТУ». 1-я серия, 1985.
19.00 X/ф «ПИТОН». США, 2000.
20.55 Урожайная грядка.
21.00 X/ф «ПОПУТЧИЦЫ». США, 2000.
23.00 Канал ОР.
23.30 X/ф «НИТТИ-ГАНСТЕР». США, 1987.

REN TV
7.00 Мир спорта глазами «Жиллетт».
7.30 «МЭШ». Комедийный сериал (США).
8.00 «Fox Kids» на REN TV: «ПАУЭР РЕЙНДЖЕРС, ИЛИ МОГУЧИЕ РЕЙНДЖЕРС». Телевизион (США).
8.30 «Fox Kids» на REN TV: «Мир Бобби». Мультпликационный сериал (США).
10.00 «24». Информационная программа.
10.15 «Кино»: Доминик Суэйн в комедии «ПРАКТИКАНКА» (США).
13.00 «Канал истории»: «Пи Ти Барнум». Документальный фильм (США).
14.00 «24». Информационная программа.
14.15 Военная тайна.
14.45 «ГРАНИЦА ТАЕЖНЫЙ РОМАН». Телевизион.
15.50 «ЛЕДИ БОМЖ». Телевизион.

17.00 «24». Информационная программа.
17.15 «Fox Kids» на REN TV: «Секретные материалы псов-шпионов». Мультпликационный сериал (США).
17.40 «Fox Kids» на REN TV: «Ферма чудища». Мультпликационный сериал (США).
18.05 «Fox Kids» на REN TV: «Мир Бобби». Мультпликационный сериал (США).
17.30 «Fox Kids» на REN TV: «ПАУЭР РЕЙНДЖЕРС, ИЛИ МОГУЧИЕ РЕЙНДЖЕРС». Телевизион (США).
18.55 «ЧЕРТЕНОК». Теленовелла (США).
 21.00 «Посторонний» с Алексеем Пушковым.
 21.55 Прогноз погоды.
 22.05 Филипп Нуаре в фильме «ОТКРОЙТЕ, ПОЛИЦИЙ!» (Франция).
 24.15 События. Время московское.
 24.30 ХОРОШО. Бьёков.
 24.40 Мода post-stop.
 1.15 На ночь глядя. «СКУКА». Художественный фильм (Франция).
 8.30 «БЕЗ УМА ОТ МОЛЛИ». США, 1973.
 10.30 «В ПОГОНЕ ЗА ТЕНЬЮ». США, 1994.
 12.30 Х/ф «ШАГИ СМЕРТИ». США, 1999.
 14.25 Возрождение.
 14.30 Х/ф «ЩУПАЛЬЦА 2». США, 2001.
 16.30 Студия «Модерн».
 16.55 Автобус Кэли.
 17.00 Х/ф «ТЕМНЫЕ ВОДЫ». США, 1998.
 8.45 «Охрана здоровья».
 19.30 Х/ф «КРУТЫЕ ИСТОРИИ». США, 1991.
 21.00 Х/ф «ТЕНЬ ВАМПИРА». США, 2000.

22.55 Встреча с ясновидящей Галиной Вишневской.
 23.05 «Третий глаз» с ведущей Мирославой.
 23.25 Центр «Гамма». Репортажи жизни.
 23.30 Х/ф «АККУМУЛЯТОР». Чехия, 1994.
 1.25 «Музыка на канале». Поёт Алексей Зардинюк, Григорий Лепс.
 9.15 В гостях у Тодика.
 9.30 «Русалочка». Мультсериальный сериал (США).
 10.00 «Тик-герой». Мультсериальный сериал (США).
 10.30 «Джин-Джин из страны Пандаленд». Мультсериальный сериал (США).
 11.00 «Симпсоны». Мультсериальный сериал (США).
 12.00 «БАРФИ». Теледрама (США).
 13.00 Шедро лото.
 14.00 «24». Информационная программа.
 14.45 «Кино». Б.Галин, М.Волонтир, А.Кузнецов в боевике «В ЗОНЕ ОСОБОГО ВНИМАНИЯ».
 16.55 «Очевидец» с Иваном Усачевым.
 17.25 «Маленькая планета». Ток-шоу.
 18.05 «Человек-паук». Мультсериальный сериал (США).
 19.00 Матч российской футбольной Премьер-Лиги. «Сатурн-РЕН ТВ» (Московская область) - «Торпедо» (Москва).
 21.00 «Кино»: Марк Дакаскас в боевике «КИКОКСЕР: ВОЗМЕДИЕ» (США).
 23.05 «Кино»: Марк Фрост, Эндрю Диворф, Изабель Брэнч в фильме ужасов Брайана Юэна «ДРАУСТ, КНУЗЬ ТЬМЫ» (США - Испания).
 1.30 «Премьера на канале»: «Мутанты Икс». Теледрама (США).
 2.30 Ночной музыкальный канал.

12.00 События. Утренний рейс.
 12.15 Горькое собрание.
 12.50 Фильм-сказка «ВЕСЕЛОЕ ВОЛШЕБСТВО».
 13.55 «Про беготню, который боялся прививок». Мультфильм.
 14.10 Большая музыка.
 15.00 События. Время московское.
 15.20 Денежный вопрос.
 15.35 «Антилюция». Интерактивная игра.
 16.10 «Храбрый Пак». Мультфильм.
 16.35 «НА СТРАЖЕ ПОРЯДКА». Теледрама (Франция).
 18.30 Особая папка.
 19.00 «Кто самый сильный». Мультфильм.
 19.15 Детектив-шоу.
 19.50 Путь к себе.
 20.05 «МУЖСКАЯ РАБОТА». Теледрама (Россия).
 21.00 «Посторонний» с Алексеем Пушковым.
 21.55 Прогноз погоды.
 22.05 Филипп Нуаре в фильме «ОТКРОЙТЕ, ПОЛИЦИЙ!» (Франция).
 24.15 События. Время московское.
 24.30 ХОРОШО. Бьёков.
 24.40 Мода post-stop.
 1.15 На ночь глядя. «СКУКА». Художественный фильм (Франция).
 8.30 «БЕЗ УМА ОТ МОЛЛИ». США, 1973.
 10.30 «В ПОГОНЕ ЗА ТЕНЬЮ». США, 1994.
 12.30 Х/ф «ШАГИ СМЕРТИ». США, 1999.
 14.25 Возрождение.
 14.30 Х/ф «ЩУПАЛЬЦА 2». США, 2001.
 16.30 Студия «Модерн».
 16.55 Автобус Кэли.
 17.00 Х/ф «ТЕМНЫЕ ВОДЫ». США, 1998.
 8.45 «Охрана здоровья».
 19.30 Х/ф «КРУТЫЕ ИСТОРИИ». США, 1991.
 21.00 Х/ф «ТЕНЬ ВАМПИРА». США, 2000.

22.55 Встреча с ясновидящей Галиной Вишневской.
 23.05 «Третий глаз» с ведущей Мирославой.
 23.25 Центр «Гамма». Репортажи жизни.
 23.30 Х/ф «АККУМУЛЯТОР». Чехия, 1994.
 1.25 «Музыка на канале». Поёт Алексей Зардинюк, Григорий Лепс.
 9.15 В гостях у Тодика.
 9.30 «Русалочка». Мультсериальный сериал (США).
 10.00 «Тик-герой». Мультсериальный сериал (США).
 10.30 «Джин-Джин из страны Пандаленд». Мультсериальный сериал (США).
 11.00 «Симпсоны». Мультсериальный сериал (США).
 12.00 «БАРФИ». Теледрама (США).
 13.00 Шедро лото.
 14.00 «24». Информационная программа.
 14.45 «Кино». Б.Галин, М.Волонтир, А.Кузнецов в боевике «В ЗОНЕ ОСОБОГО ВНИМАНИЯ».
 16.55 «Очевидец» с Иваном Усачевым.
 17.25 «Маленькая планета». Ток-шоу.
 18.05 «Человек-паук». Мультсериальный сериал (США).
 19.00 Матч российской футбольной Премьер-Лиги. «Сатурн-РЕН ТВ» (Московская область) - «Торпедо» (Москва).
 21.00 «Кино»: Марк Дакаскас в боевике «КИКОКСЕР: ВОЗМЕДИЕ» (США).
 23.05 «Кино»: Марк Фрост, Эндрю Диворф, Изабель Брэнч в фильме ужасов Брайана Юэна «ДРАУСТ, КНУЗЬ ТЬМЫ» (США - Испания).
 1.30 «Премьера на канале»: «Мутанты Икс». Теледрама (США).
 2.30 Ночной музыкальный канал.

ШАНБА, 20 АПРЕЛЬ

«Узбекистон» ТЕЛЕКАНАЛ
 6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
 8.00-8.35 «Ахборот»
 8.35 ТВ маркет.
 8.40 Гаегагал шарҳи.
 9.00 «Узбектеlevision» наомиёши: «Болжон». Премьера.
 9.15 «Худот сари».
 9.35 «Робин Гуд». Мультфильм.
 10.55 «Маришарт». Телеальманах.
 11.15 «Олтин бошик».
 11.40 ТВ аниш.
 11.45 ТВ-1 киловатри: «Москва кўз ёшларга ишонмайди». Бадий фильм. 1-кисм.
 12.45 «Узбекистон» Ватаним мекони».
 13.05 «Москва кўз ёшларга ишонмайди». Бадий фильм. 2-кисм.
 14.20 «Спорт, спорт, спорт».
 14.35 «Тарих куяси». Термик. 3-кисм.
 15.00 «Ширк, ширк, ширк».
 15.20 Г. Г. Маркес. «Езилмаган мактуб». А. Хидомов номидagi Узбек давлат драма театри спектаклини премьераси.
 16.20 «Ягона оилада».
 16.50 «Кувнок шарарча». Телеуйини.
 17.20 «Беклимига омон бўлинг».
 17.40 «Миллионлар оиласи». Кинокурсув.
 18.00 «Ранглар дун».
 18.15 «Бадий кенгашидан сўнг».
 18.25 «Отуки омонат».
 18.55 «Вазандалик сирлари».
 19.05 «Кийнош хайли».
 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
 19.30 «Аборот» (рус тилида)
 20.00 Оқшом эртаклари.
 20.15 FCN «Узбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)
 20.30 «Аборот».
 21.05 А. Обиджон. «Сумалак танлови». Театр-драмадан томоша. 1-кисм.
 22.05 Футбол бўйича Узбекистон чемпиони. «Трактор» - «Кўран-1912».
 22.50 «Аборот - дажаст».
 23.00 «Тунги йилду». Дам олиш дастури:
 2.10 ТВ аниш.
 23.30 «Узбекистон» каналда илк мартада. «Ромео ва Жульетта». Бадий фильм. 1-кисм.
 00.35-00.40 Ватан тилчилари.
«ШААРА» ТЕЛЕКАНАЛ
 7.55 Курсувалар дастури.
 8.00 «Давр тонги».
 9.00 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?», «Олтин калит».
 9.30 «Самовий саргузаштар». Сериал. 24-кисм.
 9.55 Табобат оламиди.
 10.15. Отоқ.
 10.30 «Эмеральда». Теледрама.
 10.40 Асп кўйрали.
 11.20 Муслим ласалар.
 11.30 «Ешлар» телеканалда спорт: Ринг қирғили.
 12.30 Ешлар овози.
 12.50 «Дарбадари». Бадий фильм. 2-кисм.
 13.25 Вулфот еш жонгилари куйлаиди.
 13.55 «Ешлар» телеканалда спорт: Теннис.
 14.35 Сифидиш.
 14.55 «Экспедиция». Хужжатли сериал.
 15.45 Олтин мерос.
 15.55 «Рамаяна». Теледрама.
 16.30 ТВ-аниш.
 16.35 Курсувалар дастури.
 16.40 «Янги авлод» студияси: «Дўстлик учрашуви».
 16.55 «Самовий саргузаштар». Сериал. 25-кисм.
 17.30 Бона тилидин.
 18.00 Футбол пилос.
 18.20 Оқшом навалари.
 18.35 Бизнес-академия.
 18.50 Олтин мерос.
 18.55, 21.55 Юлия.
 19.00 «Давр». Аборот дастури.
 19.25 Каталог.
 19.45 Давр-интервью.
 20.00 Муслим ласалар.
 20.05 Юлдузлар чекраси.
 20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар.
 20.40 «Дарбадари». Бадий фильм. 3-кисм.
 21.30 Куйламаган мезмон.
 21.50 Олтин мерос.
 22.00 «Давр». Аборот дастури.
 22.40 Тунги тароналар.
 22.50 Киногадиди.
 23.10 «Кенжадан балик оми». Бадий фильм.
 00.45-00.50 Хайриги тун!

18.00 «Жаҳон географияси»
 18.40, 19.45, 20.35 «Экспресс» телегазаси.
 18.55 «Хусусийлаштириш: қадим-бақадим».
 19.15 «Тарихийлик-кулагимиз».
 20.00 «Пойтахт шарҳи».
 20.20 «Мисли гавар».
 20.50 «Ташриф».
 21.10 «Нима умид?»
 21.40 Киночиноқ. «Нозик нирол гўзалми». 1-2 сериялар.
 00.25-00.30 «Хайриги тун, шарҳи».

«ШААРА» ТЕЛЕКАНАЛ
 9.00 Курсувалар тартиби.
 9.05 «ТВ-да музика».
 9.15 «Петролиннинг» «Кулгу панорамаси».
 9.45 «Лаззат».
 10.05 «СР янгилликлари».
 10.15 «Инглиз тили Сиз умид».
 10.40 «Татлина Полонская билан бирга».
 11.00 Кундузги сеанс: «Тухта, онам мени хижоа қилди». Бадий фильм.
 12.20 Дўстлик видеоканали: «Ами», «Аниса», «Бизан мирас».
 13.20-13.50 «Немис тили».
 16.00 Курсувалар тартиби.
 16.05 «Миллипремера».
 16.20 СР тақдими элади: «Бешикчи ўгно».
 16.45 «Бизафша».
 17.05 «Бизафша кундалиги».
 17.20 Н. Фоманковнинг «Форс-мажор» дастури.
 18.05 «Хазил кетидан хазил».
 18.50 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеуйини.
 20.00 «Время».
 20.30 «7 дан 70 га».
 21.00 «Бугунги Япония».
 21.25 «Мозик холл».
 21.50 Киномагараф. «Жерри Магуайр». Бадий фильм.
 22.50 Аборот (рус тилида)
 00.15 «Тунгиз оуда бўлини»

«КОНСАЛ»
 9.00 Дастурни очилиши.
 9.05 «17.45, 20.00» - Теледрама.
 9.30 «Инспектор Гаджет». Мультсериал.
 10.00 Фильм-болларга. «Эшак тарикси». Эрт. так.
 11.30 «Тикит кувнок оиласи». Сериал.
 12.00 Ойваги кино. Комедия.
 13.40 «БАРФИ». Теледрама.
 14.30 Жинд киноси. «Биз ҳаммадан эришим».
 16.40 «Яширин камера билан». Хужайи дастур.
 17.00 «Уз уйини». Теле-шоу.
 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Аждархоннинг чиркаси». Жаңгири фильм.
 19.50 «Ошиқона». Муслимий дастур.
 20.00 «Агентлик». Сериал.
 21.00 «30-канал» детектив соати.
 21.45 «30-канал» кинооқшоми «Нотинг Хилл». Мелодрама.
 23.30 Муслимий дастур ««Просто 15»».

ОРТ
 5.45 Иннокентий Смоктуновский и Олег Табаков в комедии «Сердце не камень». 1-я серия
 7.00 Новости
 7.10 КОАПТ
 7.35 Следствие ведет Колобов
 7.55 Слово пастыря: Митрополит Кирилл
 8.10 Игрый, гармонь любимая
 8.50 Библиомания
 9.00 Новости
 9.10 Семейнонрама Евгения Петросяна
 9.45 Сказк.
 10.05 Документальный детектив. «Дело обреченных». 2001 гад.
 10.35 В мире животных
 11.15 Детектив «Тайны отца Даулинга»
 12.10 Здоровье
 12.50 «Серебряный шар». Людмила Савельева. Ведущий - В.Вульф.
 13.30 Дисней-клуб: «Миюи Маус и его друзья»
 14.00 Новости (с субтитрами)
 14.15 Фильм Станислава Росточко «...и на камнях растут деревья». 1-я и 2-я серии
 17.20 Вечерние новости (с субтитрами)
 17.30 «Вор-мажор» с Николаем Фоменко
 18.05 «Шута за шуткой». Юмористическая программа
 18.50 «Кто хочет стать миллионером?» Телеигра. Специальный выпуск
 20.00 Время
 20.30 Мишель Фрайфер и Аль Пачино в фильме «Фрэнки и Джонни»
 22.45 «Опера N1». Концерт Витаса
 23.45 Робин Уильямс в комедии «Доброе утро, Вьетнам»

3.55 «Диалог о рыбалке»
 4.25 Приключенческий сериал «Повелители зверей». (Канада-США)
 5.15 «Папа, мама, я - спортивная семья»
 6.00 «Здоровье и жизнь»
 6.30 «Золотой ключ»
 6.50 «Военная программа» Александра Сладкова
 7.30 «Доброе утро, страна»
 8.05 «Сто к одному». Телеигра
 9.00 «Наука и техника». Научно-познавательная программа
 10.05 ПРЕМЬЕРА. Марина Дюжева и Александр Симоненц в комедийном сериале «Дружная семейка»
 10.40 «ХА». Маленькие комедии
 11.00 ВЕСТИ
 11.20 ВЕЧЕРНИЙ СЕАНС. К ЮБИЛЕЮ ЕВГЕНИЯ САМОИЛОВА. Валентина Серова, Людмила Целиковская и Павел Шпрингфельд в комедии «Сердце черное». 1941г
 12.50 «Киноистория Глеба Сорохорова»
 13.00 Александр Бельянский, Виталус Томкус и Валентина Титова в детективе «Ран-лик». 1978г
 14.30 Короткометражный художественный фильм «Лыжи». 1984г
 15.00 «Моя семья»
 15.55 «Аншар»
 17.00 ВЕСТИ
 17.25 ЗЕРКАЛО
 18.00 ВЕЧЕРНИЙ СЕАНС. ПРЕМЬЕРА. Жан-Клод Ван Дамм в острожном фильме «Секта» (США), 2001г
 19.55 ПОСЛЕДНИЙ СЕАНС. Дмитрий Певцов, Татьяна Сорохорова и Андрей Болтнев в острожном фильме «Миряи босомертв». 1993г
 21.50 Футбол. Чемпионат России. «Зенит» (Санкт-Петербург) - «Локомотив» (Москва). Трансляция из Санкт-Петербурга

НТВ
 7.00 «СЕГОДНЯ»
 7.15 Программа для детей «УЛИЦА СЕЗАМ»
 7.35 Мир приключений Сериал «ЗЕРКАЛО, ЗЕРКАЛО» /Австралия/
 8.20 Доктор Бренд «БЕЗ РЕЦЕПТА»
 9.00 «СЕГОДНЯ»
 9.15 Криминал «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ»
 9.45 КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС
 10.20 Звезда Голливуда Маклейл Калкин в программе «ЖЕНСКИЙ ВЗГЛЯД» Оксаны Пушкиной
 11.00 «СЕГОДНЯ»
 11.25 Мир кино Михаил Калнин и Тед Дансон в комедии «НАРАВНЕ С ОЛЦИМ» /США/
 13.30 ПУТЕШЕСТВИЯ НАТУРАЛИСТА
 14.45 СВОБОДА
 15.00 «СЕГОДНЯ»
 15.25 АФГАНСКИЙ КАРАВАН «Профессиональный репортёр»
 15.55 «ПРОДОЛЖЕНИЕ СЛЕДУЕТ...» с Юлией Меньшовой
 16.55 Сериал «НЕИЗВЕСТНАЯ ПЛАНЕТА

ХУШ ҚОЛ...

(Кисса)

(Давоми, боши 39-43 сонларда)

— Вей, сен ўшалар билан ишладингми, а?
— Ҳа, амаки. Лекин кўп эмас. Мен бошдаёқ бу даргоҳда бироз муддат ишлаб, бироз доллар топгач, Америкага жўнатишимни Ҳабибдан илтимос қилган эдим. Унинг ўзиям шу фикрда эди. Ман яна яхши билардимки, бу ишларнинг бириси қонунга зид-қарши... Бироқ Ҳабиб манга бериб турган долларлар ҳамда эзгу орзуим бўлган — Америкага кетиш истаги мени бу ерда тутиб турарди, холос. Мен кун сайин Ҳабибга қачон айтсам бўлади, Америкага жўнатсайди, деб ўйлардим. Ниҳоят унга очигини айтдим: “Ҳабиб, мени жўнат энди”... Ҳе, ўша кун сира ёдимдан чиқмади!

VI
Жаъфарнинг хаёлида ўша аламли кундаги воқеа бутун тафсилотлари билан жонланди. Уша кун кунорада Ҳабибдан бўлак одам йўқ эди. Гуляни нима иш билан қаёққадир жўнатган, шекилли. Кундуз кунни бўлгани учун Ҳабибнинг улфатларидан ҳам йўқ эди. Жаъфар Ҳабибнинг бир-икки топшириқларини бажариб, идорага қайтди. Эшикни одатдагича ўз калити билан очиб, залга кирди. Ажаб, Ҳабиб шу ерда эди! Жаъфар бироз хайрон бўлиб унга тикилди. Ва биринчи марта пайқадикки, атиги 25 ёшга кирган бу йигит анча қари кўринарди. Унинг қорача юзларида салқиланган жойлар бор, кўзлари нуқул гилтилар эди. Узи кичкина столча ёнидаги креслода ўтирар эди ва дам яланғоч билакларини пайпаслаб кўрар, дам шимининг почаларини кўтариб, шиши кетган оёқларига қарарди. Столда эса героинли шприц ётарди. Пиёлачада иссиқ сув ва

унга аралаштирилган модданинг қолдиғи бор эди: у шу аралашмани героинга қўшиб, укол қиларди. Ҳа, унинг кўзлари ярим очиқ бўлса-да гилтилар эди. У бирданига кўлини олдинга чўзиб бармоқларини мушт қилди-да, бутун вужуди билан силкинди.
— Вақтида келдинг-да, Жаъфар, — тамшаниб деди у. Жаъфар унга яқин келиб, кўшни креслога ўтирди.
— Тинчликми, Ҳабиб? Кўринишинг жа ёмон.
— Венамми тополмияман. Кўлимни сик, дўстим, менга укол қил. Санга осон бу иш. Дори тайёр.
— Мен укол қилай?
Ҳабиб бирдан бошини эгди. Кейин яна кўтарди.
— Энди наркотик қабул қилмайман дедим. Эрталаб чидадим. Мана ҳозирга келиб жа бўлмайд кетивотти. Бир доза олмасам ўлиб қоладиганга ўхшавомман. Менга ёрдам бер, Жаъфар.
Жаъфар ўрнидан туриб кўнрада чикди ва резина келтирди. Ундан онда-сонда фойдаланишар — тананинг у ёки бу ерига боғлаб-қисиб венани чиқаришар эди.
— Мен укол қилмайман, лекин ёрдам бераман, — деди Жаъфар ва Ҳабибнинг ўнг кўлини тепарокдан резина билан боғлади. Ҳабиб эса дарҳол чап кўли билан шприцни олиб, укол қилишга чоғланди. Аммо вена кўринмади. Жаъфар кўлнинг пастки қисмидан боғлади. Кейин оёқнинг тўпик тепасидан қисиб боғлади. Барибир вена томири чиқмади.
— Вой, бир йўлини топ! — деб чинқирди Ҳабиб ва ўрнидан сагчиб турди. Сигарет тутатиб, ваннахонага кириб кетди. У ерда совук сув билан юзини ювиб, башарасига тикиларкан, бирданига ўнг қоши ёнига — чаккасига тикилиб қолди. Кейин ўша ерни пайпаслаб эзгилай бошлади-да,

бирданига чопиб залга кирди. Топдим! — деди у. Сўнг креслога ўтириб шприцни кўлига олди. — Мана вена! Мана! — ўнг қоши билан кўлоғи орасини кўрсатди. Сўнг шприцни Жаъфарга узатди.
— Укол қилмайман дедим-ку, — деди Жаъфар. — Кўлингга укол қилмайман дедим, бу — ҳавфли жой. Венага эмас, бошқа жойга тикворсам нима бўлади? Э, кўй, ман бу иплосни ушла-мийман.
— Жон дўстим, вена кўриниб турибди. Шприцни шундоқ қадасанг, бас. Растворри ўзим юбораман. Мани тушун, а?
Жаъфар миқ этмас, кимирламай турарди. Ниҳоят Ҳабиб кўзгу олдиға борди-да, бир кўли билан чаккасидаги венани пайпаслаб-босиб кўра бошлади. Иккинчи кўлида шприц. Бир маҳал, нима ҳам бўлиб, уколни венага қадади ва шприцдаги қоричма захарнинг ярмисини бушатди. Кейин секин юриб келиб, креслога ўтирди.
Четдан қараганда шундай манзарани кўриш мумкин эди. Креслода озиб кетган, қорача йигит ўтирибди. Унинг кўзлари ярим юмук, нигоҳида мутлақо маъно йўқ. Хаёл қилиш мумкин эдики, у бу ерда эмас — бошқа — қаерда-дир. Оғзи хиёл очиқ, нимадир демокчиға ўхшарди. Унинг чаккасида шприц — ҳа, шприц осилиб турарди. Келаётганида шприцни бармоқларида ушлаб келган эди, ўтиргандан кейин беихтиёр кўйворди: қуввати кетиб бўлди шекилли. Бир маҳал шприц қадалиб турган жойидан узилиб, наркоманнинг оёғига тушди ва Ҳабиб дарҳол кўзларини катта очди. Сўнгра шприцни олиб, қонли жойига тикилди-да, гулдирди:
— Жаъфар, шу ердаман-сан?
— Ҳа, — деди Жаъфар навбатдаги сигаретни чекканча ойна олдида тураркан.
— Жиндек пахтани спиртга ботириб кел. Уколнинг ўрнини артишим керак. Бўлмасам доғи қолади. Ҳарҳолда бу ишни

қилиш сан учун унчалик нафратлимасдир, — дея пўнғиллади.
Жаъфар спирт билан пахта келтириб ва пахтани спиртлаб, Ҳабибга узатди. Ҳабиб чаккасини артиб бўлиб креслога ястаниб ётди-да, кўзларини юмди. Бир минутча вақт ўтди. Жаъфар Ҳабибнинг бироз ўзига келганини тахминлаб, у билан очиқчасига гаплашишга ҳозирланди.
— Ҳабиб, ман сан билан гаплашмоқчийдим.
— Гапиравер, — деди Ҳабиб кўзларини жиндак очиб.
— Мен сендан илтимос қилмоқчийдим, Америкага таклифнома қилиб бер. Виза олишга ўзим ҳаракат қилиб кўраман.
Ҳабибнинг кўзларида ғоят аҳмоқона илжайиш пайдо бўлди.
— Биринчидан, ўзинг яхши биласанки, таклифнома етти юз доллар туради. Мен сенга сийлов сифатида шу пулни ярмига туширишим мумкин. Аммо қолган ярмиси ҳам санда йўқ-ку. Шунинг учун чидагин: яна ярим йилдан кейин таклифномани текин қилиб бераман.
— Ярим йил?!
— Ҳа, яна ярим йил маннинг кўлимда ишлайсан, кейин ман санга ҳужжат тўғрилаб бераман. Ҳозир иложим йўқ. Кўриб турибсан, ҳаражатим кўп. Бу ерда кунига камиди уч-тўрт грамм героин керак бўляпти. Унинг бир грами эса ўн минг сўм туради. Бошқа майда сарф-ҳаражатларни ҳам кўриб турибсан.
— Ҳабиб, бу ер — мен учун ҳавфли. Турмага тушишни истамайман. Офисингдан кетсам керак. Ман, ҳарҳолда, сенга ишонган эдим, Америкага боришимга ёрдам беради деб. Аммо сен бунини... қиммат девоссан. Ҳолбуки бу сафар неча пулга тушишини иккимиз ҳам яхши биламиз.
— Гап бунда эмас.
— Бу нима деганинг?
(Давоми бор)
Жаҳонгир ХОЛМИРЗАЕВ

ЮЛДУЗЛАР СЎЙЛАГАНДА (15.04-21.04)

КҮЙ. Ҳафта давомида ҳаётингиз таянчи қанчалик мустаҳкам эканлигига яна бир бор амин бўласиз. Жиддий муаммолар сизни безовта қилмайди. Лекин пайшанба кунни ҳужжатларга тааллуқли ишларда эҳтиёт бўлганингиз маъқул, унутиб қўядиган одатингиз борлиги сизни кўп ноқулай аҳволга солиб қўяди.

БУЗОҚ. Ҳафта унумли келади. Раҳбарларга айтиладиган таклифларингиз ёки шахсий ишларингиз бўлса, бу ишларни чоршанба кунни амалга оширганингиз маъқул. Бу юрилган ишларни ўз вақтида бажаринг, афсусланмайсиз.

ЭГИЗАКЛАР. Ҳафта давомида режалаштирган ишларингизни амалга оширасиз. Айниқса, ҳеч кимга айтмаган режангиз муваффақиятли амалга ошади. Пайшанба кунни шахсий ҳаётингизга бегона кишиларнинг аралашини кузатилади.

КИСКИЧБАҚА. Бу ҳафта кўп ишларингизни амалга ошириш учун қулай. Лекин пайшанба кунни бир-икки номуносиб танишларингиз жаҳлингизни чиқариши, ноқулай аҳволга солиб қўйиши мумкин. Лекин сиз уларга нисбатан паст кетманг.

АРСЛОН. Бу юрилган ишларни ўз вақтида бажариб, ўзингизни кўрсатиш имкони туғилади. Сизга тўлиқ ишонингиз мумкинлигини амалда исботлайсиз. Пайшанба кунни жиддий ишларни амалга оширмай туринг, сизни нопокликда айблашлари мумкин.

ПАЗИЗОД. Келажакда бажариладиган ишларингизни режалаштиринг. Атрофингизга ҳамфикрларингизни тўпланг. Лекин бу ишлар кундалик ишларингизга ҳалақит бермасин. Хизмат сафарини кейинга қолдириб туринг.

ТАРОЗИ. Бу ҳафта ҳужжатларга тааллуқли ишларингизни муваффақиятли амалга ошириш учун қулай. Пайшанба кунни кутилмаган воқеалар рўй бериши мумкин. Севганингиз билан уришиб қолиш эҳтимоли бор.

ЧАЁН. Ҳафта давомида кўзга кўринарли салбий воқеалар рўй бермайди. Режалаштирган ишларингиз ўзингиз хоҳлаганингиздек амалга ошади. Ота-онангиз ёки турмуш ўртоғингиз билан муносабатингиз ёмонлашмасин десангиз, ҳар хил миш-мишларга ишонманг, гийбатларга аралашманг.

ЎКОТАР. Одамлар билан муомалангизни яхши қилинг, беҳудага бировга танбеҳ бераверманг, гийбатларга аралашманг. Ҳамкасбларингизга ўйлаброқ муомала қилинг, вазифаларингизни янада яхшироқ бажаришга ҳаракат қилинг. Шу маслаҳатларга амал қилсангизгина, ҳафта осойишта ўтади.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Бемалол кўркмасдан молиявий ишларингизни амалга ошираверинг. Лекин пайшанба кунни алданиб қолишингиз эҳтимоли бор, шунинг учун шу кунни йирик харид қилманг.

ҚОВҒА. Ўзингизга бўлган ишончингиз ва имкониятларингиз сизни алдаб қўйиши мумкин. Эҳтиёт бўлсангизгина мисқоллаб йиққан обрўйингиз ва пулларингизни сақлаб қолишингиз мумкин. Пайшанба кунига ҳеч нима режалаштирманг.

БАЛИК. Ҳафта сиз учун кўнглили келади. Лекин эҳтиёт бўлинг, ортиқча гапириб юборманг, акс ҳолда сизни кўролмаганлар гапларингизни сизга қарши ишлатишлари мумкин. Пайшанба кунни фақат кундалик ишларингиз билан шуғулланинг.

ИҚТИСОДИЙ ЭРКИНЛИК НИМА?

Иқтисодий ўсишни таъминлайдиган асосий воситалардан бири хорижий инвестицияларни жалб этишдир. Инвестицияларни жалб этиш учун унга мос равишда турли имтиёз ва рағбатлантиришга эга бўлган муҳитни яратиш лозим. Эркин иқтисодий ҳудуд айнан шундай муҳитни яратишга хизмат қилади.

Эркин иқтисодий ҳудуд иқтисодий таъминотини ҳаётга тадбиқ этишда муҳим восита вазифасини ўтайди. Масалан, АҚШ қонунчилигига кўра, мамлакатда фаолият кўрсатаётган эркин савдо ҳудудлари умумий ва субзоналарга бўлинади.

Умумий зона 1-4 кв.км. майдонга эга бўлиб, миллий божхона ҳудудидан ташқаридадир. Буларда маҳсулотларни қадоклаш, марказлаш каби ишлар амалга оширилади. Субзоналар алоҳида йирик компаниялар учун ташкил этилиб, бунда экспортга мўлжалланган ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Жаҳондаги эркин иқтисодий ҳудудлар 4 мингдан зиёд бўлиб, улар турли аспект ва йўналишлар бўйича фаркланадилар. Масалан, савдо йўналиши бўйича эркин божхона, эркин портлар, эркин савдо ҳудудлари, саноат ишлаб чиқариши бўйича импорт ўрнини босувчи,

экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳудудлар, саноат парклари техник йўналиши бўйича технополислар, технопарклар, халқаро ҳудудлар ва бошқалардир.

Республикамизда эркин иқтисодий ҳудудлар концепсияси қайта ишлаб чиқилмоқда. Бир қарашда эркин иқтисодий ҳудуд атамаси иқтисодий муаммолар ечилишининг энг осон йўлидай кўринади, аммо бу тушунча жуда мураккаб ва кўп қирралидир. Ҳудудлар фақат бир давлат томонидан ташкил этилибгина қолмай, балки халқаро миқёсдаги шартлар асосида ташкил этилади. Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш маълум бир ҳудуд ёки барқарор аҳолининг турмуш даражасини ривожлантириш мақсадида тузилиши мумкин.

Дунёда савдо йўналишидаги эркин иқтисодий ҳудудларни тузишда асосий эътибор жўроғий жойлашув (транспорт қулайликлари, йирик саноат марказлари, чегарага яқин савдо туманлари), ривожланаётган инфратузилманинг мавжудлиги, шу жумладан, юрларни ташши, тушириш техникаси, бардошли ва бақувват электр ташиш ҳамда иссиқлик таъминоти, омбор иншоотлари, темир йўллар, булар барчаси халқаро андозаларда бўлишини тақозо этади.

КРИПТОГРАММА

	1	2	3	4	5	6	7	8	
5	8	1	2	4		1	5	4	
	9	7	5		10	11	12	13	
14	15	16	11	17	4	5	6	7	5
14	17	11		1	11	18	1	11	10
1	5	4		16	2	15	9	12	5

Ушбу криптограммани тўғри ҳал этсангиз, унда яширинган бир ҳикмати ва уни айтган аллома номини билиб оласиз.
Оқич сўзлар:
(1.)Танаси тиканил нордон мева — 16,11,3,16,9,7,13,2,7. (2.)Непал пойтахти — 6,11,15,16,11,7,18,9. (3.)Покистондаги шаҳар — 4,2,10,9,12. (4.)Филиппиндаги оролардан бири — 1,11,17,5,4,11,7. (5.)Уй-рўзгор анжони — 17,11,7,18,5,8. (6.)Уруч нави — 14,4,5,15,11.

Тузувчи: Холхўжа БАДИЕВ

Шоира ТОШБОЕВА, талаба

Ko'ngil ijodxonasi

СИЗ УЧУН ЭШИК



ЎХШАШЛИК

Кир устида, ҳов, ана-ана,
Кулранг тоғнинг худди тўшида,
Мен излаган манзили яна
Тоғ фаслининг масъум кўшиғи.

Ҳей, тоғ, бунча кўпчиди бағринг?!
Вужудингдан ўрлар ҳовурлар.
Мен ҳам бунда мисоли сағринг,
Жон талпида оғзим ёпурман.

Сен қалқисанг, табассумингдан
Кетмасмиди олам ўзгариб.
Мен-чи, ҳорғин жилмайсам зимдан
Оқиб кетар осмон кўзлари...

БЕШБАРМОҚЛАР

Кўнглимни овладинг, топдингми уни?
Оламнинг қайтида беркинбди у?
Уфқнинг ортидан қайсидир куни
Бирдан кўтарилди Кўёшдан бурун.
Кўнглимни овловдинг, топибсан уни.

Туннинг қизи — Ой ҳам кўринмас...
Қорли йўлда жуфт қатор мактуб,
Езмишларин тугатай демас,
Айланса ҳам нуқтага маҳбуб.

Туннинг қизи мудом кўринмас.
Қора қарга, ҳов, қора қарга,
Бировники каби тумшугинг?
Оппоқ-оппоқ ястанган қорга
Шоиргинам, қора кўшигинг...
Куйламагур, оқ кўшиқ қарга!

Қалдирғоч, дўст эдик шекилли,
Иссиқлар ортиқми ё ишқдан?
Бизда ой совуқдан беркинди,
Баҳорни бошлаб кел сен қишда.
Қалдирғоч, баҳорда ситам йўқ...

Бўйлари борийди онамнинг...
Мен бошқа ҳеч қачон туймаган.
Ув, мудом сархушман!..Хонамнинг
Шифтида учди турналар.
Бўйлари борийди онамнинг...

ОҚИБ БОРМОҚДАМАН
Оқиб бормоқдаман тун ва кундузлар,
Узини еб битган мисли шам каби.
Менинг кўзларимдан учган юлдузлар,
Билсангиз, ҳар бири биттадан Наби.

Орзулар кўқарар боғу роғларда,
Мен эса армондан фасллар тузим.
Олам сориг-сориг бўлган чоғларда
Жавоб ололмадим фақат бир куздин.

Дунёни ўрадим соғинчларимга,
Ув, симга тизилган қалдирғочларим.
Ўзим кетар бўлган томонларимга
Атайлаб сиз учун эшик очмадим.

Қанчалар ожизман,
Қанчалар ожиз,
Наҳот бир симчалик келмас мадорим!
Фанода яшаган одам бўлиб "биз",
Кетарга "мен" бўлиб кўрар тадорик.

ВАТАН СУРАТЛИ
Мен қишлоқи одам, озгина шоир,
Нималар ҳам дейин Ватан ҳақинда?
Дўстларим "салқан шоир", деб койир,
Табрик айтолмадим тўйда яқинда.

Дарвозам олдида оқди анҳор,
Лабиди ўт-ўлан — номсиз ва номли.
Шунда бир думалаб отади наҳор,
Шудринглар тутади майсалар — жомли.

Ҳовлида дов-дарахт, мевазор, ишқом,
Мол-қўйнинг ҳидига тўлган бир томон.
Япроқ шивирдайди фарахбахш ул ком,
Мастона чорлайди ўзга беомон.

Қий-чув югуришар болалар ҳар кун,
Савол-жавобларда мени қилиб мот.
Мен таъриф излаган Ватан шумикин —
Ҳар бир қадамида унган ҳасанот!?

ҲИЛОЛ

Юлдузлар —
Само тўла бугдойзор
ва ўроқ бўлди ҳилол.

Тун — гўзал
Чодра ёпинган дилдор
ва балдоқ бўлди ҳилол.

Мен бир сак
Ой ишқида увлаган
ва қармоқ бўлди Ҳилол.

Ох, бешак,
Бағрим тилиб қовлаган
ва яроғ бўлди Ҳилол.

Кечалар
Чорлагувчи ўзига
ва бармоқ бўлди Ҳилол.

Нечалар
Олов солган кўзига
ва яроғ бўлди Ҳилол.

Шеър битиб
Тиним билмай, кўлимда
ва қадоқ бўлди Ҳилол.

Кун етиб,
Юрагим қоқ бўлинди,
ва бир ёқ бўлди Ҳилол...

ШЕРАКЗОРДА
Қатор-қатор тераклар
Юртнинг ёвқур лашкари,
Тиғи кўкка санчилган
Яшил тилли машъали.

Тўфон турса ё довул,
Ёмғир куйса пақирлаб,
Жисмидан ўртаб ҳовур
Юксакларга боқурлар.

Теракларга кўрк шунча,
Савлат берган, берган куч,
Ватан деган тушунча
Ва шу тупроқ бир ҳовуч.

Шу тупроқда илдизлар
Отиб, кўкка бўйладим.
Ёғий даҳл қилса гар
Терак бўлар бўйларим...

Қатор-қатор тераклар
Ўтган ёвқур шер қалблар.
Улар ботир боболар
Хокидан унган алплар!..

Наби ЖАЛОЛИДДИН

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги технология коллежи томонидан Тохтаева Шодия номига берилган О'Р -А №572697 рақамли. диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.	Утеранный гос.ордер №11-01/1610 от 4.02.1993г. права собственности Садыкова Шавката на квартиру считать НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.
Тошкент шаҳар Акмал Икромов туман ҳокимлиги томонидан хусусий тадбиркор Бобомуротов Зиёдулло Рустамович номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.	Тошкент вилояти Қибрай туман 2-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1999 йилда Юсупов Жамшид Зулқарнаевич номига берилган ОР-ЗН — 442857 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Узбекиско-Турецкое совместное предприятие "Синдус", зарегистрированное Министерством юстиции РУ под №5 сообщает об уменьшении уставного фонда с 397527,26 долларов США на 34372 долларов США.	

Yuldyzlar

**ТАСОДИФИЙ
ҲОЖЕА**

XX асрда юксак қобиляти ва бетакрор ҳусни жамоли билан бутун дунёга донғи кетган кино юлдузи Мерилин Монро 1926 йилда Лос-Анжелос шаҳрида таваллуд топади. Айнан унинг гўзаллиги кино оламига кириб, у ерда чексиз муваффақиятларга эришишига асосий сабаблардан бири, деб саналади. Хонимнинг асл исми Норма Жин Бейкер бўлиб, ҳаёти давомида у 28 та кинода ўйнашга улгурган, холос. Гап шундаки, ажал уни энг навқирон даврида, яъни 36

ёшга етканда ўз домига тартади. У уйку доирини меъеридан кўп истеъмол қилиши сабаб бевақт оламдан кўз юмади.

Ҳаётлигида Мерилин Монро аввал 1954 йилда бейз-бол юлдузи Жой ди Могжога турмушга чиқиб, ўша йилиёқ ажрашади. Икки йил ўтгач, Монро машҳур драматург Артур Миллер билан турмуш қуради. Лекин уларнинг ширин турмуши ҳам узоққа чўзилмайди.

Мерилин Монронинг

бахтсиз ҳаёти у ўйнаган фильмларга ҳам кўчган эди, 1948 йилдаги "Хаттарли йиллар", 1950 йилдаги "Жунглига асфальтлари", ҳамда 1956 йилдаги "Автобус бекати" ва "Омадсиз" каби фильмларда яратган образлари шулар жумласидандир. Лекин нима бўлганда ҳам ёрқин юлдузнинг хотира-си ҳамон кино оламида ўз нурини сочиб турибди, десак янглишмаймиз. Чунки, у яратган образлар ҳанузгача кино мухлислар томонидан ёдга олинади.

Рустам СУЛАЙМОНОВ

КУЛГИ БЕКАТИ

Али табрикнома сотаётган қизга деди:
— Юракни жизиллатадиганларидан борми?
— Ажойиби бор, "Мен севган ягона қиз".
— О, шу табрикномадан менга олтида беринг.

Қамоқхонага эрини йўқлаб келган хотин, қайтиш чоғида қамоқхона директоридан унга енгилроқ иш беришларини илтимос қилди.

— Эрингиз бор-йўги қоғоз халталарни елимлайди, меҳнати ҳам оғир эмас.
— Алдамайсизми? У бўлса менга кечалари аллақандай, ер ости йўлини кавлаб чиқаяпман, деди-ку!

Терговчи:
— Нера сиз кундуз куни ўғирлик содир этгансиз?
Айбланувчи:
— Кечаси кўп пул билан юришга кўрқаман.


Мансур ЮСУПОВ тўплади

Ҳурматли Ўғилойхон Раҳмонова!
Биз сизни 42 баҳорингиз билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Сизга осмондек бағрикенглик, зилол сувдек сокин ҳаёт ва албатта доимо мана шундай меҳрибон она, хушчақчақ аёл бўлиб юришингизни тилаб қолувчи фарзандларингиз
Умиджон, Ҳафизабону ҳамда кичик қизингиз Зарифабонулар номидан турмуш ўртоғингиз Ҳакимбек

БОШҚОТИРМА

ЭНИГА: 1.Бектемирнинг жуфти ҳалоли. 2.Чўпонликдан юрт эгасига кўтарилган тимсол. 3.Лозимликнинг шевадаги шакли. 4.Етти алланинг иккинчиси. 5.Алпомишнинг бий боболаридан бири. 6.Алпомишнинг оти. 7.Бойсари билан Бойсарининг қелишмоғилигига сабаб. 8.Совчиликка борган Сурхайлини қим қарши олади? (дастлаб). 9.Алпомиш келганини билгач, Кўкалдош энг аввал кимга зулм ўтказди?. 10.Етти аял яшайдиган жой. 11.Барчин кўйган шартлардан бири. 12.Алпомиш ирим билан чиққан тепанинг номи. 13.Товқасойим 80 (тиллага) тангага ...ни савдо қилиб олди. 14.Қалдирғоч Алпомишга ердан беришга ёшиқ қилади, деб кимни айтади? 15. Ун минг уйли кўнғирот элининг моли учун сувлоқ бўлган кўлнинг номи. 16.Кўкалдошнинг оти. 17.Алпомишга мададкор пирлардан бири. 18.Алпомиш Қорахонни илк марта кўрганда нима деб мурожаат қилади? 19.Алпомишнинг исми. 20."Алпомиш"да қаҳданнинг маъноси.

БҮЙИГА: 1.Бойсари биринчи марта кимдан зулм кўради? 2.Чорвадорнинг шевадаги шакли. 3.Қалмоқ музофотинда, ҳаддими зўр кампир. 4.Алпомишнинг асли исмини ким қўяди? 5.Таёқ еган чўпонни зиндонгача кўтариб борган киши. 6.Бойсари ўз юртини ташлаб, кўчиб борган вилоят номи. 7.Барчинни узатмоқчи бўлиб, расм-русумларни қилгач, куёвни қандай вақт уйга чақирди? 8.Алпомиш мадад сўраган пирнинг номи. 9.Достон вариантларини ёзиб олган энг ёш иштирокчи. 10.Қултой ким эди? 11.Достоннинг энг кўп ёзиб олинган намуналаридан бири. 12.Достоннинг яратилганлигига минг йил тўлганлиги ҳақидаги дастлабки мулоҳазалар кимга тегишли? 20.Кийик.



Тузувчи:
Феруза КУВОНОВА

Turkiston
МУАССИС:

«КАМОЛОТ. ЕШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ»

Газета Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитасида № 00012 рақам билан рўйхатдан ўтган.
Босингга топшириш вақти-21.00
Топширилади 21.00
1 2 3 4 5 6

Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А-3.

Бош муҳаррир:
Салим АШУРОВ

Тахрир ҳайъати:

Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ, Комиля ЮСУПОВ, Асладин БОЛИЕВ, Юсуф ЖўРАЕВ (Бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир МАХСИТОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Ислоҳ ҲАМРО, Ғайрат ШОУМАРОВ, Авазхон СОДИҚОВ, Насриддин МУҲАММАДИЕВ, Шоазим МИНОВАРОВ, Ғаффор ҲОТАМОВ, Абдуғани ЖУМАЕВ

Тахририятта юборилган материаллар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Вилоят муҳбирлари:

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича —
Термизда: 8-37-622 — 3-53-88
Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича —
Бухорода: 8-36-522 — 3-37-44
Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари бўйича —
Гулистонда: 8-36-722 — 4-02-86
Фарғона, Андижон вилоятлари бўйича —
Фарғонада: 8-37-322 — 4-54-61
Наманган вилояти бўйича —
Наманганда: 8-36-922 — 6-10-70
Самарқанд вилояти бўйича —
Самарқандда: 8-36-62 — 34-43-89
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича —
Урганчда: 8-362-22 — 7-45-22

Корхона манзили:
«Буюқ Турон» кўчаси, 41.
Буюртма Г. — 31 10. Адади-8428

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Манзилимиз:
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: 133-95-97,
Реклама бўлими:
(3712) 133-79-69

«Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилади.

Навбатчи муҳаррир:
Зиёда Ашурова

Саҳифаловчи:
Нодирбек ОРТИҚОВ